Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP — O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2012-yil, 21-yanvar. Shanba • 9-10 (31.442) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз азизларни ва сизларнинг сиймонгизда кўпмиллатли бутун мамлакатимиз халқини Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Биз ушбу қутлуғ санани Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик байрами шукуҳи қалбларимизда давом этаётган шу ёруғ кунларда нишонлаётганимизнинг теран рамзий маъноси бор, албатта. Бу тарихий сана тимсолида биз энг аввало мустақил тараққиётимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қандай муҳим аҳамият бериб келинаётганининг яққол далолатини кўрамиз.

Юртимизда бу айёмни кенг нишонлар эканмиз, ҳаммамиз, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари Ватанимизнинг неча минг йиллик қадимий тарихи давомида мана шу саховатли ва ҳамиша меҳмондўст заминда турли маданият ва цивилизацияга мансуб бўлган инсонлар ўзаро тинчтотув яшаб келганини юксак қадрлаймиз. Айни шундай маънавий муҳит ўзининг бағрикенглиги, меҳр-оқибатлилиги, тинчликсеварлиги ва қалб саховати билан ажралиб турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим омил бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Ана шундай миллий ранг-бaранглик ва шу билан бирга, ягона халққа хос бирлик туйғуси — бу нафақат ноёб хусусият, балки ҳар биримиз учун ҳаётбахш таъсирини ва барчамизни ўзаро бойитишдаги аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган улкан қадриятдир.

Шу маънода, бизнинг энг катта бойлигимиз, энг асосий ютуғимиз — бу аввало Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир, десам, ишончим комилки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда этник ўзига хослиги, тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечирмоқда. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, Ватанимизни янада равнақ топтириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш мақсадида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш йўлида улар ўзларининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётганини биз юксак қадрлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар ва зарур шарт-шароитлар яратилди. Бағрикенглик маданиятини тарбиялаш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда миллий маданий ранг-бaранглик ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида қаралиб, барқарорликни таъминлаш омили бўлиб хизмат қилаётгани ва жамиятимизнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан илгарилаб боришида муҳим роль ўйнаётгани, биз Ўзбекистон деб атайдиган умумий уйимизда турли миллий маданиятларнинг бетакрор ва бой уйғунлигини шакллантираётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Бугунги қутлуғ айёмда барча миллий маданий марказларнинг раҳбарлари ва фаолларига муқаддас заминимизда тинчлик ва фаровонликни сақлаш, фарзандларимиз ва набираларимизнинг келажаги, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлидаги беғараз ва олижаноб меҳнатлари учун ўзимнинг чуқур ва самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдираман. Ўтган 20 йил мобайнида чинакам дўстлик масканига айланган Республика байналмилал маданият марказининг кўп қиррали фаолияти ана шундай юксак мақсад ва вазифаларнинг амалий намоёни бўлиб келаётгани ҳаммамизни албатта хурсанд қилади.

Қадрли дўстлар, барчангизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман, Ўзбекистонда яшаётган миллат ва элат вакилларининг бугунги ҳаёти ва келажаги йўлидаги олижаноб ва ғоят масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар ёр бўлсин.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси*

**19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

**Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлисининг кун тартиби ўтган 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини баҳолаш ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олиш масалаларига бағишланган.

2011 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг амалий якунлари таҳлилига ўтишдан олдин кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва авваламбор турли салбий тенденциялар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни ўринли деб биламан.

Шулар ҳақида гапирганда, дунёдаги таниқли иқтисодчилар, нуфузли эксперт ва мутахассисларнинг баҳолари ва чиқараётган хулосалари принципиал жиҳатдан ягона бир фикрга келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Кўпгина тараққий топган мамлакатларда вазият қандай тус олишини олдиндан айтиб бўлмайдиган ва турли хавф-хатарлар сақланиб қолаётган бир шароитда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

«Саккизлик» ва «йигирмалик» деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модель ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Шуни тан олиш керакки, сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар асосан қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, жаҳон бозорида кечаётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Биринчи навбатда, дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Шундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун бугун барча асосларимиз бор.

Охирги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади:

«Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди... Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини башорат қилмоқда».

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

*(Давоми 2-, 3-, 4-бетларда.)*

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий маданий марказлар фаолиятини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»**

**Борисов Павел Михайлович** — Республика поляк миллий маданий маркази фаоли, В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи бўлим мудири

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Шахмаев Равкат Рашидович** — Хоразм вилояти татар миллий маданий маркази раиси, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари

Миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш соҳасидаги самарали хизмати ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Апостолиду Деспина Димитрис** — Тошкент шаҳар грек миллий маданий маркази фаоли, «Ўзбекистон-Греция» дўстлик жамияти ижрочи директори

**Арипова Назокат Сайпитдиновна** — Республика байналмилал маданият маркази ахборот-методик бўлими бош мутахассиси

**Гейцин Марина Николаевна** — Фарғона вилояти немис миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

**Ким Александр Алексеевич** — Навоий вилояти корейс миллий маданий маркази раиси, Навоий шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори

**Насирли Али Гейдар огли** — Сирдарё вилояти озарбойжон миллий маданий маркази фаоли, шоир

**Рахмонова Адолатхон Қутбидиновна** — Андижон вилояти уйғур миллий маданий маркази раиси, Пахтаобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири

**Таганмуратов Муратбай Аширович** — Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази раиси

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Боев Нарзулло Абдикаримович** — Қашқадарё вилояти Миришкор тумани араб миллий маданий маркази фаоли

**Истамқулова Мафиратхон Мамажановна** — Наманган вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси

**Миронов Сергей Александрович** — Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари

**Тлепов Бердимурат Сабирович** — Республика байналмилал маданият маркази бўлим бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 20 январь*



## КЎПМИЛЛАТЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ БИРДАМЛИГИ — БАРЧА МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

*«Туркистон» саройида Республика байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди*

→ 4

# 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ

## *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси*

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Мана бу рақамларга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича «Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат» деб ҳисобланади.

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу ўринда мамлакатимиз молия-банк тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни мамнуният билан қайд этмоқчиман.

2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, «Стандарт энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда «барқарор» рейтинг даражасини бермоқда, айни пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки «барқарор» рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда.

Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айниқса эътиборлидир.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар — юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортиғини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим, деб ўйлайман.

Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди, деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу вазифаларни бажаришга ўз ҳиссасини қўшган барча банк раҳбарлари, мутахассис ва хизматчиларга ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Энди, рухсатингиз билан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларимизнинг натижалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир.

Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кунни — кун, тунни — тун демасдан, қилган фидокорона меҳнатлари учун фермер ва деҳқонларимизга яна бир бор миннатдорлик билдириб, ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Шуни очиқ тан олиш керакки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Ўтган йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмаганда ҳам, йўқотиш қарийб 100 миллион долларни ташкил этади.

Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади.

Ана шу масалалар юзасидан ҳар бир вилоят ва туман бўйича тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Бунда, энг аввало, фермер хўжаликларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга риоя қилинишини, шу борада қонун бузилишларига йўл қўймасликни таъминлаш зарур.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди.

Йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим.

Бу кўрсаткич, аввало, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда ҳисобот йилида аҳоли учун Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.

Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

Ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан — корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани айниқса муҳимдир.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, «Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон» қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида «Зенит электроникс» қўшма корхонасида «Самсунг» кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида «MAN» юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

Тошкент — Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган «Талго-250» йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Бу поездлардан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темирйўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди.

Ўтган йил мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах — Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга етгани ҳам шу борадаги улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

2011 йилда логистика марказлари фаолияти жадаллашди. Хусусан, «Навоий халқаро интермодаль логистика маркази» орқали 50 минг тонна юк ташилди. «Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довони орқали 4 миллион 200 минг тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилди.

Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлди.

2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айни пайтда — шунга эътибор беришингизни сўрайман — аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Сир эмаски, биз мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқдамиз.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Бунинг исботи тариқасида қуйидаги мисол ва рақамларни келтирмоқчиман.

Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди.

Айни шу кўрсаткичлар 2000 йилда мос равишда 11,0 ва 3,6 баробарни ташкил этди.

Ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганини таъкидламоқчиман.

Олис ва чекка ҳудудларда касб-ҳунар коллежларининг 24 та филиалини ташкил этиш, фаолият юритаётган коллежлар қошида 18 та талабалар турар-жойларини қуриш орқали умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилингани мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи ZiyoNet электрон ахборот тармоғига уланганини қайд этиш лозим.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилди. Мазкур келишувлар асосида 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Ҳукумат қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Маблағларни жамлаш ва дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида ўтган йили махсус жамғарма ташкил этилди ва унинг маблағлари ҳисобидан 2011 йилда бир йилга мўлжалланган 39 миллиард сўмдан ортиқ тадбирлар молиялаштирилди.

Ўтган йили илғор ахборот-компьютер технологиялари билан жиҳозланган, аввало ёшларимизга миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — замонавий ахборот-ресурс маркази ва Симпозиумлар саройини ўзига қамраб олган Маърифат марказининг қуриб битказилгани ва ишга туширилгани мамлакатимиз ҳаётида том маънода улкан воқеа бўлди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

2011 йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди.

Даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминлаш учун қиймати қарийб 137 миллиард сўмлик бюджет маблағлари ҳамда 136 миллион долларлик хорижий имтиёзли кредит ва грантлар йўналтирилди.

Умуман олганда, кейинги ўн йил мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бюджет маблағлари ҳамда имтиёзли кредит ва грантлар 750 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинаётган изчил чора-тадбирлар кейинги ўн йилда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, туғма нуқсонлар билан туғилиш — 32,4 фоизга, юқумли касалликлар — 40 фоизга, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш — 4,2 баробар камайди. Дифтерия, паратиф, полиомиелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди.

2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этди.

Юртимиз таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий талаблар ва халқаро андозалар асосида ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида 2011 йилда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди ва у 2012 йилнинг биринчи кунларидан иш бошлади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида биз эришган бундай катта ютуқлар ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

*(Давоми 3-, 4-бетларда.)*

# 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ

## *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси*

«Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўнта мамлакат қаторига киритилгани, албатта барчамизга юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

Ўтган йил якунлари ҳақида хулоса чиқарар эканмиз, 2011 йил Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш дастурининг мантиқий давоми бўлди, Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёти тарихида, жамиятимизни изчил демократик янгилаш ва либераллаштириш жараёнида алоҳида ўрин эгаллаган йил бўлди, деб тўла ишонч билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

2012 йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда. Шунингдек, истеъмол нархларининг ўсиш даражаси 7-9 фоиз доирасида бўлиши мўлжалланмоқда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиз даражасида сақлаш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг 2012 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортиғини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган йилга нисбатан уларнинг ўсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши айниқса эътиборлидир.

*(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)*

Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Жорий 2012 йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Жумладан, Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплекси, Деҳқонобод калийли ўғитлар ва Кўнғирот сода заводларининг иккинчи навбатини, синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланади.

Шунингдек, Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ қурилмаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида янги энергоблок қуриш, автомобиль шиналари ва транспортёр тасмаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тўқимачилик корхоналари қувватларини янада кенгайтириш ва бутун технологик жараённи такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айтиш керакки, ҳозирги вақтда ушбу Жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир.

Вазирлар Маҳкамаси стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилишини алоҳида назоратга олиши, лойиҳа-смета ҳужжатларининг пухта ишланишини, танлов савдоларининг ўз вақтида ўтказилишини, зарур асбоб-ускуналарнинг етказиб берилиши бўйича шартномалар тузилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаши зарур.

Ҳукуматнинг чорак якунларига бағишланган йиғилишларида қабул қилинган Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурини ва модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган тармоқ жадваллари ижроси таъминланишини кўриб чиқиш ва уларнинг бажарилиши учун ўз вақтида тегишли чоралар кўриш тартибини жорий этиш даркор.

Ўтган йили протокол билан белгиланган топшириққа биноан мамлакатимизнинг барча йирик корхоналари ва ишлаб чиқариш тармоқларида ўтказилган техник аудит натижасида 37 мингга яқин асбоб-ускуна ва технологияларнинг жаҳон миқёсида синовдан ўтган, замонавий турларига алмаштирилиши лозимлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу аудит натижалари асосида бир ой муддатда моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан, уларни молиялашнинг аниқ манбаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, тармоқ жадвалларини тасдиқлаши зарур.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг самараси ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда эскидан қолган ва ҳали-бери рўй бериб келаётган оқсоқлик ҳолатлари борлиги, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётгани аён бўлади.

Аввало, биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ. Бу ресурсларнинг катта қисмидан кўпроқ ёқилғи сифатида фойдаланяпмиз, холос.

Муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишлари талаб даражасида эмас. Умуман, ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммолар тўпланиб қолганини афсус билан қайд этиш керак.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда ҳам ҳал этилган, деб бўлмайди. Бу камчилик, айниқса, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир.

Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ сарфлаймиз, кўп миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз.

Лекин қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар маҳсулотлар таннархининг асоссиз равишда ўсиб кетишига олиб келмоқда.

Бундай вазиятларни танқидий баҳолаб, Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидаги масалаларни ҳал этиши зарур:

Биринчидан. Манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, компания ва корхоналар иштирокида саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан. Мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш керак.

Бу борада, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Учинчидан. Бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқиш лозим. Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур.

Тўртинчидан. Мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларимизни ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида Ҳукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала — бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор.

2012 йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Транспорт-коммуникация тармоқларининг инсон танасини қон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирларга ўхшатилиши бежиз эмас, албатта.

Бугунги кунда юксак тараққий топган замонавий мамлакатни иқтисодиёт ривожини, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган магистрал коммуникацияларнинг кенг тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Барчамиз, аввало, вилоят ва ҳудудий тузилмалар раҳбарлари транспорт ва коммуникация, биринчи навбатда йўл қурилиши соҳаси, шунингдек, ижтимоий ва ободонлаштириш ишлари кўп меҳнат талаб этадиган ва айни вақтда яхши ҳақ тўланадиган, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган тармоқлар эканини доимо ёдимизда тутишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда 2012 йилда 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погонметр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари сингари халқаро молия тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан 742 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техника сотиб олиш учун 1 миллиард 400 миллион долларга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фақат 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 109 миллион доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириш, 165 километр цемент-бетон қопламали йўлларни фойдаланишга топшириш, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратилаётган маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича амалий чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Темир йўллар коммуникацияларини янада ривожлантириш, Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштириш зарур. Шу билан бирга, Тошкент — Самарқанд темир йўл линияси участкасида ободонлаштириш ишларини давом эттириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездларнинг ишончли ва хавфсиз қатновини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур ишларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлатиши, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаши лозим.

Вазирлар Маҳкамаси «Навоий халқаро интермодал логистика маркази»ни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини, халқаро юклар транзит ҳажмини кўпайтириш, парвозлар географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, «Ангрен логистика маркази»ни модернизация қилиш, ривожлантириш ва жиҳозлаш ишларини қатъий назоратга олиши зарур.

Телекоммуникация тармоғи кўламини кенгайтириш, уни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш лозим. Жорий йилда узунлиги 172 километрдан ортиқ бўлган Ургут — Шаҳрисабз ва Бойсун — Денов оптик толали алоқа линияси қурилишини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Айни вақтда 89 та янги база станцияларини барпо этиш ҳисобидан симсиз алоқа зонасини кенгайтириш, Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатгичлар ўрнатиш орқали рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш ва бошқа ишларни бажариш шу борадаги вазифаларимиз қаторига киради.

Телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишларига 2012 йилда 176 миллион доллардан ортиқ ҳажмдаги инвестицияларни йўналтириш режалаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари иштирокида 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожланишини жадаллаштириш тўғрисидаги дастурга мувофиқ кўзда тутилган лойиҳаларнинг ижросини кўриб чиқиши лозим. Бунда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилишини жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини таъминлаш даркор.

2012 йилда ва ундан кейинги йилларда диққатимиз марказида туриши лозим бўлган устувор вазифалар ҳақида сўз борар экан, Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхталмоқчиман.

Қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширила бошлаганидан буён, яъни сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Бу мақсад учун 576 миллиард сўмликдан ортиқ инвестициялар йўналтирилди, уларнинг 63 фоизидан зиёдини марказлаштирилган манбалар ва «Қишлоқ қурилиш банк» маблағлари ташкил этади.

Жорий йилда умумий турар-жой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 8 минг 510 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган, бу эса ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир.

Шу билан бирга, давлат маблағлари, такрор айтаман — бюджет маблағлари ҳисобидан турар-жой посёлкаларини қуриш бўйича олдиндан тасдиқланган комплекс режаларга мувофиқ 425 километрдан зиёд водопровод тармоғи, қарийб 260 километр электр линиялари, 375 километр газ тармоқлари ва 306 километр ички йўллар қурилиши режалаштирилган.

Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳисобидан комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объекти фойдаланишга топширилади.

Ушбу мақсадларда йил давомида қарийб 810 миллиард сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Умуман айтганда, Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжалланган тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу Дастурнинг амалга оширилишида Осиё тараққиёт банки фаол иштирок этмоқда. Мазкур банк қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар қурилишига 500 миллион доллар миқдорида, жумладан, 2012 йилда 160 миллион доллар инвестиция киритишни режалаштирмоқда.

Шу борада масаланинг яна бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан унинг ўз маблағлари ва Осиё тараққиёт банкининг заём маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун кредитлар қишлоқ аҳолисига имтиёзли шартларда, 15 йил муддатга йиллик 7 фоизли ставка бўйича берилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ипотека кредитлари ставкасидан қарийб икки баробар паст бўлиб, моҳият эътибори билан қишлоқда яшаётган оилаларга катта имтиёз ва имконият яратиб беришга қаратилгандир.

*(Давоми 4-бетда.)*

# 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси***

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» шу йил февраль ойининг охиригача қишлоқ жойлардаги якка тартибдаги турар-жой массивларида уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини молиялашни ва уларнинг қурилиши бошланишини таъминласин.

Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини сақлаб қолмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури барчамизнинг, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг диққат марказида туриши зарур. Ушбу дастурга биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шаклларини, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кўламини кенгайтириш ҳисобидан 2012 йилда қарийб 75 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Шу борада биз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир масалага тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур.

Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданоқ аниқ белгилаб олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш — бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор корхоналар ва идоралар билан биргаликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар мажмуини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва уни шу йилнинг 1 июнигача амалга оширсин.

Фурсатдан фойдаланиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларини, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилгани ва қандай бажарилаётганига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилиши ҳақида алоҳида огоҳлантириб қўймоқчиман.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Биз 2012 йилни юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилдик.

Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби ўз олдимизга қўйган бошқа муҳим мақсадлар барчамизга яхши маълум.

Бу ўринда гап айнан шулар ҳисобидан пировард натижада оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш ҳақида бормоқда.

Шу кунларда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, мазкур дастурни амалга ошириш учун 2012 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Бу маблағнинг 60 фоизга яқинини давлат маблағлари, 25 фоизини тижорат банклари кредитлари, қарийб 15 фоизини масъул ижрочиларнинг ўз маблағлари ҳамда 360 миллион доллардан ортиғини халқаро институтлар ва донор мамлакатлар маблағлари ташкил этади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кенг кўламда ажратилаётган маблағлар аввало шу саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси оилага кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик, кўмак ва ёрдам белгиси ва тимсоли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Ўтган 2011 йилнинг асосий якунлари ва мамлакатимизнинг 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлари ана шулардан иборат.

Ушбу дастурда белгиланган улкан вазифаларни амалга ошириш энг аввало барчамиздан бутун салоҳиятимиз, билим ва тажрибамизни, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни, ҳар биримиздан зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, самарали меҳнат қилишни талаб этади.

Олдимизда турган ана шундай юксак ва эзгу мақсадларга эришишда барчангизга чин қалбимдан соғлик-саломатлик, янги омадлар тилайман.

*(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда.)*

## Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига

**Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан суҳбатда бўлди.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТУҒИЛИШ ВА ЯШАШ — КАТТА БАХТ

**Дарья БЕГАЙ,**
*Тошкент вилояти корейс миллий маданий маркази раиси:*

— Ўзбекистонда яшаётган корейс диаспораси вакиллари ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Уларнинг меҳнати қадрланиб, давлатимизнинг юксак мукофотлари, фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан муносиб тақдирланмоқда.

Ёшларга корейс тилидан сабоқ бераман. Уч нафар ўғлим бор. Фарзандларим Ўзбекистонда туғилиб ўсдилар, таҳсил олдилар. Ўзбек ва корейсларнинг маданияти ўхшаш. Бизда ҳам катталарга ҳурмат ва эҳтиром туйғулари кучли. Инсонлари меҳр-оқибатли, осмони мусаффо ва бой тарихга эга Ўзбекистондек буюк давлатда истиқомат қилаётганимдан мамнунман.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларида миллий маданий марказлар фаолияти кенг йўлга қўйилгани турли миллат вакилларининг ўз урф-одат ва анъаналарини, маданиятини ривожлантиришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари жонажон Ўзбекистонни ягона Ватаним деб қадрлайдилар, мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун ўзларини масъул деб биладилар.

Мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар вакиллари равнақи йўлида кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовдан миннатдормиз.

**Адолат РАҲМОНОВА,**
*Андижон вилояти уйғур миллий маданий маркази раиси:*

— Ўзбекистон — умумий уйимиз. Ўзбек ва уйғур халқларининг маданияти ва урф-одатлари жуда ўхшаш. Биз ана шундай бағрикенг, мусаффо осмонида ҳамиша қуёш барқ уриб турадиган, инсонлари бахтдан масрур диёрда яшаётганимиздан жуда бахтиёрмиз.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ва оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг юксак самаралари ва салмоғи хорижда ҳам кенг эътироф этилган. Бунга, Ўзбекистонда туғилиш ва яшаш катта бахт эканига мен кўплаб хориж мамлакатларида бўлганимда қатъий ишонч ҳосил қилганман. Мен ҳам ана шундай бахтли одамлар қаторида эканимдан ўзимни жуда омадли инсон, деб биламан. Ўзбекистонимизга асло кўз тегмасин!

**Екатерина ШНАЙДЕР,**
*Фарғона шаҳар немис миллий маданий маркази раиси:*

— Мен Марғилонда туғилганман. Отам — немис, онам — рус. Уларнинг иккови ҳам мусиқачи. Мен ҳам ёшларга мусиқадан сабоқ бераман. Ўзбекистон — менинг Ватаним. Бу ерда яшаётган инсонлар, ҳар бир қарич ери мен учун азиз ва муқаддас.

Ўзбекистонда барча миллат ва элатлар вакиллари тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун кенг ва тенг шароит яратилган. Биз, Ўзбекистон фуқаролари бу улуғ неъматнинг қадрига етишимиз, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз даркор.

**Шамил ҲАКИМОВ,**
*Республика татар миллий маданий маркази фаоли:*

— Ўз таровати ва гўзаллиги, бетакрор ва ноёб меъморий обидалари ҳамда буюк олиму мутафаккирлари билан дунёга машҳур Бухорода туғилиб, voяга етдим. Ҳаётимда эришган барча ютуқларим Ўзбекистон билан узвий боғлиқ. Халқимиз қўлга киритаётган барча муваффақиятларда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча миллат ва элатлар вакилларининг аҳил-иноқ яшаши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан кафолатлангани муҳим омил бўлаётир. Ўзбекистон — менинг ягона Ватаним.

Жамиятимизда кечаётган туб янгиланишлар жараёнига турли миллат вакиллари ўз ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшаётир. Улар қатори татар миллати вакилларининг меҳнати ҳам эъзоз ва эътибор топиб, давлатимизнинг кўплаб юксак мукофотларига сазовор бўлмоқда.

**ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.**

# КЎПМИЛЛАТЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ БИРДАМЛИГИ — БАРЧА МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

## *«Туркистон» саройида Республика байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди*

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган қарорига биноан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг кўп қиррали фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди.



Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 20 январь куни Республика байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга миллий маданий марказлар раҳбарлари ва фаоллари, парламент аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Тантанали маросим очиқ, деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни асраш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Бугун барчамиз энг катта ютуғимиз, ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлигимиз — муқаддас заминимиздаги тинчлик ва барқарорлик, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, юртимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатлар маданияти, анъана ва урф-одатларига ҳурмат муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган бундай муҳит ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Бу Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, миллий истиқлол ғоясига асосланган ҳамда асрлар давомида халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва инсонпарварлик фазилатларига таянган миллатлараро муносабатларнинг принципиал жиҳатдан янги концепцияси изчил амалга оширилаётгани самарасидир. Бу соҳада амалга оширилаётган сиёсат миллати, дини, тили ва бошқа фарқли жиҳатларидан қатъи назар, мамлакатимизнинг барча фуқаролари учун тенг ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга йўналтирилган. Бу муҳим тамойил Ўзбекистон Конституциясида, бошқа миллий қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги катта тажрибаси бутун дунёда кенг эътироф этилмоқда ва бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда яшаётган турли миллатлар вакиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, ягона мақсадимиз — мамлакатимизни янада равнақ топтириш йўлида ҳамжиҳатликда эртанги кунга қатъий ишонч билан ҳаракат қилмоқдалар.

Юртимиздаги барча миллат ва элатлар ўз миллий маданияти, тили, ҳунармандчилиги, анъана ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шарт-шароит яратилган. Кўп сонли диаспоралар тилида мактаб ва олий таълим муассасаларида ўқитиш йўлга қўйилган, газета, журналлар нашр этилмоқда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар эфирга узатилмоқда, турли диний конфессияларнинг ибодатхоналари фаолият кўрсатмоқда. 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар доимий равишда фестиваллар, кўргазмалар, танловлар, санъат арбоблари билан учрашувлар, турли миллий байрамлар ўтказиб келмоқда, мамлакатимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан конференциялар ва семинарлар ташкил этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Республика байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишланган ана шундай кўплаб тадбирлар ўтказилди. Миллий маданий марказлар ўзаро ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш орқали ўзининг маданий-маърифий вазифаларини бажариш билан бир қаторда юртимизда миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ёшларни ягона Ватанимиз ва истиқлол ғоясига садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига фаол ҳисса қўшмоқда.

Жамиятимиздаги мустаҳкам тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳити мамлакатимизнинг ўзига хос ноёб хусусияти ва улкан бойлиги ҳисобланади. Мустақиллик йилларида эришган бу бебаҳо бойликни асраб-авайлаш ҳамда уни келгуси авлодларимизга етказиш учун масъулиятни ҳис этиб яшаш барчамиз — Ўзбекистоннинг кўпмиллатли ва ягона халқининг муқаддас бурчидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 20 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди. Маросимда уларга Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика поляк миллий маданий маркази фаоли, В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи бўлим мудири Павел Борисов, «Дўстлик» ордени соҳиби, Сирдарё вилояти озарбойжон миллий маданий маркази фаоли, шоир Насирли Али Гейдар ўғли мамлакатимизда миллатлараро тинчлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшаётган кўплаб миллатлар ва элатлар вакиллари ўз маданиятини ривожлантириши учун барча шароитларни яратиш борасидаги доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

Республика байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш санъат усталари ва мамлакатимиз миллий маданий марказлари бадиий жамоалари иштирокидаги байрам гала-концерти билан якунланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова ва А.Арипов иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

ЎзХДП: Ҳамкорликдаги лойиҳа

# ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

## яратишда ёшларнинг иштироки

**Нукус шаҳрида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, партиянинг Қорақалпоғистон республика кенгаши, Марказий банк, «Микрокредитбанк» ОАТБ ва қатор етакчи тижорат банклар ҳамкорликда «Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятлари» мавзуида иқтисодий форум ўтказди.**





— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли минглаб янги иш ўрни яратилаяпти. Бу эса халқнинг турмуш даражаси яхшиланишига хизмат қилмоқда, — деди **Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси Қувватбой Қурбанбаев.** — Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад — мазкур ишларни узвий давом эттиришдир. Яъни, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини муқим иш ўрни билан таъминлаш, малакали бизнес лойиҳа ишлаб чиққан битирувчиларга зарур молиявий кўмак бериш — асосий вазифамиз.

— Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, Мустаҳкам оила йилида коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган, — деди **Марказий банк Департаменти директори ўринбосари Азамат Қосимов.** — 2011 йили Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 1 миллиард 64 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар худди шу мақсадда берилган эди. Бу йил ҳам айнан касб-ҳунар коллежи битирувчилари бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Форум доирасида ўз ишини бошлашни хоҳловчи кам таъминланган оила ва иқтисодий фаол электорат вакиллари, хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчилари тақдим этган бизнес лойиҳалар атрофлича ўрганиб чиқилди. Бунда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бандлик дастурлари, шунингдек, партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастуридаги устувор йўналишлар ҳисобга олинди, истиқболли деб топилган лойиҳа муаллифларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.



— Ўтган ўқув йилида 300 нафарга яқин битирувчи тижорат банкларидан имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Абдикарим Медекенов**. — Бугунги кунда ўша собиқ ўқувчиларимиз ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, тенгдошларини ҳам иш билан банд этаётир. Бу форум коллеж битирувчиларига банкдан имтиёзли кредит олиш учун фойдали бизнес лойиҳа тайёрлашда бир мактаб вазифасини ўтади, улар малакали мутахассислар билан бирга ишлашга, изланишга ўргандилар.

— Коллежни тугатиб, ўзим қизиққан тикувчилик касби билан шуғуллана бошладим, — дейди **Жулдиз Срашова.** — Аввалига битта тикув машинаси билан парда тика бошлаган бўлсам, бугун 10 та тикув машинасига эга тикув цехи соҳибиман, мижозлар буюртмаси асосида ишни ташкил этганмиз. Иш кўлами кенгайиши натижасида бир неча дугонамни ҳам ишга олганман. Чимбой туманида тикув цехининг бўлимини очиб, бир неча иш ўрни яратдик. Бугунги тадбирда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ёрдами билан «Микрокредитбанк»нинг Қорақалпоғистон бўлимидан имтиёзли кредит учун сертификат олишга муваффақ бўлдим. Мен Мустақиллик тенгдошиман. Айтмоқчиманки, шу қисқа даврда биз ёшларга шунча қулайлик яратиб берилдики, ундан оқилона фойдаланиб, ўзимиз ва тенгдошларимиз учун иш ўринлари очиш, оиламизга, халқимизга нафимиз тегиб, эл-юртга хизмат қилиш вазифамиз. Бу турмуш фаровонлигини таъминлайди.

— «Микрокредитбанк»дан имтиёзли кредит олиш учун сертификатга эга бўлдим, — дейди **нукуслик Қудайберген Алимов**. — Кредит олишдан мақсадим шуки, аҳолини сифатли алюмин профилли ойна ва эшик-ромлар билан таъминлаш ҳаракатидаман. Шу орқали мамлакатимиз иқтисодий ривожига қўлимдан келганча ҳисса қўшмоқчиман.

— Бу йил ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари очиш ва микромолиявий хизматлардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди **Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси бўлим бошлиғи Азамат Абдикаримов**. — Бугун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ёш тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга ва иш ўринлари очишига замин яратади деб бемалол айта оламиз. Бу эзгу ҳаракат шу билан якун топмайди. Бизнес лойиҳасини тақдим этган ёш тадбиркорларга йил давомида имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилган.

Иқтисодий форумда иштирокчилар, хусусан, бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ қилиш ниятида юрган ёшлар бу борадаги саволларига ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши, Марказий банк ва бошқа тижорат банкларининг масъул ходимларидан атрофлича жавоб олишди.

Тадбирда 15 нафар коллеж битирувчисига имтиёзли кредит олиши учун сертификатлар берилди.

Шунингдек, тадбир давомида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил қилинди. ЎзХДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фуқароларни қабул қилишди, уларнинг муаммоларини ўрганиб, ечимини таъминлаш учун чора кўришди.

Бу тадбир ёш оилаларнинг жамиятимиздаги мавқеи янада ошишига, ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилади, десак, хато бўлмайди. Шу маънода, айтиш жоизки замонамизнинг интилувчан йигит-қизлари нафақат ўзларини, балки оила аъзолари ва тенгдошларининг ҳам ишли бўлишига замин яратмоқда, чин маънода даврнинг ҳал қилувчи кучига айланмоқда.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Ғайрат ОТАЖОНОВ,**
**Азамат АЛЛАШЕВ**
**олган суратлар.**

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

# ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР

## оилалар фаровонлиги ва мустаҳкамлигига масъулдир

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Гулистон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йилида ЎзХДП кенгашлари олдидаги муҳим вазифалар» мавзуида сиёсий ўқув бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Ўқув-семинарни Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси Алишер Тошматов олиб борди.**

Тадбирда Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Конституцияси 19 йиллигига бағишланган тантанада қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида Гулистон шаҳар партия кенгаши раиси Отабек Давронов сўз юритди.

Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари, вилоят Кенгаши депутати Ҳаётхон Ортиқбоева Мустаҳкам оила йилида партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари олдида турган муҳим вазифалар ва уларни амалга оширишнинг самарали воситалари ҳақида тўхталди.

— Бугунги кунда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва оила ҳамкорлигини кучайтириш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш давр талабига айланди, — деди у. — Бунда партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият тушади. Айниқса, бошланғич ташкилотларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан бирга, аҳолининг кам таъминланган қатламига кўмак бериши, ёшларнинг жамоат ишларидаги иштирокини кучайтириши, уларни турли зарарли таъсирлардан асраши лозим. Бунда депутатларимиз аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориши, учрашув ва суҳбатлар, мулоқотларнинг таъсирчан усулларидан фойдаланиш яхши самара беради.

**Шарофат МАҲАМАТОВА,**
***ЎзХДП вилоят кенгаши мафкура бўлими мудири:***

— Ўтган йили оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратдик. Жумладан, турли ҳудудларда партиямиз Марказий Кенгаши ташаббуси билан иқтисодий форумлар ўтказилди. Унда кўплаб электорат вакили кредит олиб, оилавий бизнесни йўлга қўйди. Мустаҳкам оила йилида бу каби ишларни давом эттиришимиз керак. Бунинг барчаси аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилади. Қачонки, кишиларнинг ўз ҳаётидан кўнгли тўқ, дастурхони тўкин, рўзғори бут бўлса, оила мустаҳкам бўлади.

**Анвар ҚУРБОНОВ,**
***Ўзбекистон Қаҳрамони:***

— Бугун аҳолимиз дунёқараши кенгайиб, ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда. Кишилар энди тўғри келганга эргашувчи эмас, балки ўз йўлини ўзи танлашни билади. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, маънавий-маърифий ишлар самарасидир.

**Оила жамиятнинг асосини ташкил этади. Шундай экан, бу масалада ҳар биримиз масъулмиз. Айниқса, партия фаоллари, депутатлик гуруҳлари оила йилида амалга ошириладиган вазифаларни аниқ белгилаб олиши зарур. Оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларида амалий ишлар ва таклифлар керак бўлади.**

**Тамара МУСАЕВА,**
***«Сайқал» маҳалла фуқаролар йиғини диний-маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:***

— Ҳаёт биздан амалий ишларни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Юртбошимиз айтганидек, оиланинг ҳақиқий посбони аёл. Қачонки она юксак салоҳият ва маънавият эгаси бўлса, шу оилада яхши фарзандлар вояга етади.

Биз маҳаллада оилалар турмуш тарзи, яшаш шароити, шунингдек, фарзандлар тарбиясини назорат қилиб борамиз. Уларнинг қизиқишлари, оилавий муаммоларига кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим. Таҳлил ва хулосаларимиз асосида депутатлик гуруҳимизга амалий таклифлар беришимиз керак.

**Ўғилой ЭРБЎТАЕВА,**
***ГулДУ доценти, тарих фанлари номзоди:***

— Тан олиш керак, охирги йилларда оилаларда ажралишлар рўй бермоқда. Бунга кўп ҳолларда қайнона-келин келишмовчилиги сабаб бўлаяпти. Биз ҳар бир шундай ҳолатни фавқулодда воқеа сифатида кўриб чиқиб, таҳлил қилишимиз лозим. Биз маърифат улашувчи кишилар сифатида ёшларни катта ҳаётга тайёрлаб боришимиз, оила қуриш арафасидаги йигит-қизларга турмуш синовларидан чидам билан ўтишини, бу эса оила аталмиш қўрғоннинг мустаҳкам бўлишига хизмат қилишини тушунтиришимиз зарур.

**Азизбек АЛЛАШУКУРОВ,**
***ГулДУ талабаси, «Истиқбол» ёшлар қаноти Гулистон шаҳар бўлими етакчиси:***

— Семинарда кўп фойдали фикрлар айтилди. Ундан шундай хулосага келдикки, жамият ривожи, мамлакат тараққиёти, оилалар мустаҳкамлиги бизнинг маънавиятимиз ва тафаккуримизга боғлиқ. Демак, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни кўпроқ ўтказиш керак. Уларни турмуш чорраҳаларида учрайдиган муаммоларга руҳан тайёрлашда таниқли, обрўли кишиларнинг сўзлари кўпроқ таъсир қилади. Шунинг учун зиёлилар, ёзувчи ва санъаткорлар имкониятларидан кўпроқ фойдалиниш лозим, деб ҳисоблайман.

Бундай тадбирларнинг вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам мунтазам ўтказиб борилиши режалаштирилди.

**Жанглиш ҲАСАНОВА**

ЎзХДП: электорат манфаати



# ВАТАНГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАМИЗ

**Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг иқтидор ва қизиқишларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилади. Йигит-қизларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини топиб, ўз сўзига эга бўлиши учун барча шарт-шароит яратилган. Айниқса, имконияти чекланган болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиб-улғайишига замин яратмоқда.**

Буни биргина Олмазор туманида жойлашган 106-заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати тарбияланувчилари ҳаёти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Интернатда ўқувчилар таълим стандартлари асосида билим олишади, нутқ маданиятини ривожлантиради, касб-ҳунар ўрганишади. Меҳрибон ва ғамхўр мураббийлари кўмагида катта ҳаётга қадам қўйишади. Болаларнинг дарс ва машғулотларга, ҳунар ўрганишга бўлган чанқоқлигини кўриб қувонасиз. Уларнинг кўзларидаги илму ҳунарга, санъатга бўлган завқ-шавқ сизнинг ҳам кўнглингизга чўғ солади.

— Ўқувчиларнинг илм олишга, ҳунар ўрганишга иштиёқи баланд, — дейди **меҳнат ўқитувчиси Фуркат Иноғомов.** — Турли буюмлар ясаш, тикиш ва тўқишни ўргатиш билан бирга, уларнинг нутқи ўсишига алоҳида эътибор қиламиз. Ўзлари ясаган буюмлар номини тўғри талаффуз қилиш, тайёргарлик жараёнини баён этиш каби машқлар ўтказамиз. Йигит-қизлар бу ерда таълим олиш билан бирга, ўзларига ёққан ҳунарни тўла-тўкис эгаллайди. Яқинда наққошлик, заргарлик, ўймакорлик машғулотларини ҳам йўлга қўйдик. Болалар амалий санъатни қунт билан ўрганмоқда.

— Ўқувчиларнинг спортга бўлган иштиёқини кўриб ҳавасингиз келади, — дейди **жисмоний тарбия ўқитувчиси Жамолиддин Раҳматуллаев.** — Уларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Спорт анжомлари талаб даражасида. Тарбияланувчилар дарс давомида футбол, баскетбол, волебол, шахмат-шашка билан шуғулланишади. Интернатлараро ўтказиладиган, муассасамизда ташкиллаштириладиган спорт мусобақаларида фаол қатнашишади.

— Ўқувчиларнинг нутқини шакллантиришда мусиқа ва шеъриятнинг алоҳида ўрни бор, — дейди **ритмика фани ўқитувчиси Бахтиёр Мусаев.** — 19 йиллик фаолиятим давомида болаларда санъатга, қўшиқ ва рақсга меҳр уйғотиш ва ундан баҳра олишига астойдил ҳаракат қилиб келаяпман. Чунки улар қўшиқ айтишни, рақсга тушишни яхши кўради. Уларга битта қўшиқни ўргатиш учун ҳафталаб вақт кетса-да, буни иштиёқ билан бажараман. Ўрганган ашуласини ёд айтса, қувонаман. Зеро, куй-қўшиқ киши дилини поклайди, унга завқ беради.

Куни кеча мазкур муассасада ўтказилган «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзуидаги тадбир шундай шоду ҳуррамлик билан ўтди. Унда таниқли ёзувчилар, туман партия кенгаши фаоллари, ички ишлар идоралари ходимлари, мураббийлар ва ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Ватан туйғуси, юртимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, сарҳадларимиз дахлсизлиги, ёшларнинг она юрт олдидаги бурч ва масъулияти ҳақида сўз юритди.

**Гўзал ЭРГАШЕВА,**
***Тошкент Олий ҳарбий техник билим юрти гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси:***

— Шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро Ватанимиз тинчлиги, хонадонимиз осойишталиги учун қайғуради, масъулият ҳис қилади. Сиз ёшларнинг она-Ватан олдидаги бурчингиз эса биринчи навбатда, яхши ўқиш, билим олиш ва ҳунар ўрганишдир. Ана шунда Юртбошимиз ва ота-онангиз истаганидек, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод бўлиб вояга етасиз. Зеро, Ватанини севган, унинг манфаатлари ҳимояси учун ҳамиша тайёр турган шахс комил инсон ҳисобланади.

**Турсунбой АДАШБОЕВ,**
***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши раиси:***

— Ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Болаларни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ ва одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Мазкур муассасада ҳам шундай авлод тарбияланаётгани бизни қувонтирди. Уларнинг ҳар бири келажакда Ватанга муносиб фарзанд бўлади, ўз билими ва иқтидори билан мамлакат тараққиёти, жамият ривожига ҳисса қўшади. Бундай шарафли масъулиятни ўз елкасига олган сиз азиз устозларга раҳмат айтиб, шу масканда таълим олаётган болажонлар ютуқларидан қувониб юришингизни истайман.

**Бахтиёр ЯХШИБОЕВ,**
***мактаб-интернат ўқувчиси:***

— Мактабимизда бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши бизни қувонтиради. Ёзувчилар, санъаткорлар ва олимлар билан яқиндан танишамиз, мулоқот қиламиз. Муассасада яхши билим олишимиз учун шарт-шароит етарли. Биздан фақат яхши ўқиб, етук инсон бўлиб вояга етиш талаб қилинади. Шундай экан, ҳар биримиз Ватанга муносиб фарзанд бўламиз, албатта.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП туман кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари сўзга чиқди. Ўқувчилар тайёрлаган концерт дастури намойиш этилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Муродбек ЗИЁ олган суратлар.**



**Диққат, янги рукн: Манфаатлар мувозанати**

# БОЗОР ИҚТИСОДИ БИЛИМЛИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини руёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

**(Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидан)**



## БОЗОР КЎНИКМАЛАРИ — АҲОЛИНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМЛАРИГА

— Тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар кўпинча тажриба ва бозор илмининг етишмаслиги туфайли айрим хатоликларга йўл қўйишади, — дейди **бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази бош директори Михаил Хадаев**. — Ана шу билимларни ўз вақтида эгаллаш бизнес соҳасидаги ютуқлар гарови ва кафолатидир.

Марказ 1995 йилдан буён аҳолида бозор кўникмаларини ривожлантириш, жумладан, турли курслар ташкил этиб, бизнесни қандай бошлаш ва такомиллаштириш, муваффақиятли тадбиркорлик сирлари, кредит олиш технологиялари, маркетинг, бизнес-режа, бошқарув консалтинги, инсон ресурсларини бошқариш, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги билимларни беради. Бугунги кунда марказ мижозларга 40 дан зиёд ўқув курслари ва дастурларини таклиф этяпти.

Тўғри, марказ фаолиятининг дастлабки йиллари билан айни кунда унинг хизматига талаб орасида катта фарқ бор — босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтиш, бозор муносабатларининг такомиллашиши, янги ишлаб чиқариш ва хизмат турлари пайдо бўлиши билан пропорционал равишда тадбиркорликни ташкил этиш бўйича кенгроқ ва муфассалроқ билимлар зарур бўляпти. Бу билимларни бериш учун эса етарлича шароит мавжуд — марказ ўқув аудиториялари, конференция зали, компьютер синфлари, ўқитишнинг техник воситалари, кутубхона, теле ва радиостудия, тезкор босмахонага эга. Бу ерда фаолият юритаётган олтмиш нафардан кўпроқ тренер ўқитувчилар Европа Иттифоқи экспертлари раҳбарлигидаги махсус тайёргарликдан ўтишган, Англия, Италия, Япония, Греция давлатларида малака ошириб, тадбиркорлар ва бозор тузилмалари ходимларини ўқитишнинг самарали услубларини эгаллаганлар.

Марказнинг сўнгги ўн йил ичида маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларининг ўзиёқ унинг фаолияти қирралари ҳақида ҳикоя қилади. Бутунжаҳон Меҳнат ташкилотининг бошловчи ва фаолият юритаётган тадбиркорларга мўлжалланган «Ўз бизнесингни бошла ва такомиллаштир» лойиҳаси катта эътирофга сазовор бўлди. Дунёдаги 80 дан ортиқ мамлакатда татбиқ этилган бу курс ўз ишини янгидан бошлаган ва фаолият юритаётган тадбиркорларга мўлжалланган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси бу лойиҳанинг фаол ҳамкорлари бўлишди.

АҚШнинг Халқаро тараққиёт Агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилган лойиҳа доирасида эса менежерларнинг янги категорияси — суд бошқарувчилари тайёрланди, андижонлик фермерлар иссиқхона хўжалиги менежментига ўргатилди.

Шу каби жами 20 маҳаллий ва халқаро ҳамкорликдаги лойиҳа асосида ўн мингдан зиёд менежер ва тадбиркорлар замонавий бозор илмларини ўқиб ўрганди.

Сирасини айтганда, кўпинча тингловчиларда семинар ва тренинглар жараёнидаёқ янги ғоялар туғилади. Улар ўз режаларини тренер ва ўқитувчилар билан пишитиб, қўшимча маслаҳатлар оладилар. Бундай ғоялар ўқув машғулотларидан сўнг пайдо бўлса ҳам ташвиш чекмаса бўлади — тренерлар марказда таълим олган кишиларга маслаҳатлари билан доим ёрдам беришга тайёр — шартномага асосан ўқишдан кейинги олти ой давомида марказ тренерларидан маслаҳат олиш имкониятига эга бўладилар. Ишнинг бу тарзда ташкил этилиши марказ тингловчилари олган билимларини амалда қандай қўллаётганликлари бўйича мониторинг юритиш учун ҳам имкон яратади. Унинг хулосалари асосида эса марказ ўз дастурларини қайта кўриб чиқади, янгиликлар билан бойитади.

Шуниси диққатга сазоворки, лойиҳалар коллеж талабасидан тортиб давлат хизматчиларини ҳам қамраб олган. Аҳолининг барча қатламлари вакилларида бозор кўникмаларини ривожлантириш мақсади марказ муваффақиятининг асосий омили бўлса ажаб эмас. Бу мақсад бугунги кунда янги бозор иқтисоди шароитида яшаётган аҳоли эҳтиёжларига жуда мос келади.

Марказ томонидан ташкил қилинган навбатдаги семинарда имконияти чекланган инсонларга бозор қонунлари алифбоси ўргатилди.

## ИЖТИМОИЙ ИНТЕГРАЦИЯ — АСОСИЙ МАҚСАД

Қибрай туманидаги «Опа-сингиллар» нодавлат нотижорат ташкилотининг раиси Наталья Плотникова ўзи раҳбарлик қилаётган жамиятнинг мақсад вазифалари ҳақида ҳикоя қилар экан, суҳбат мазмунини қуйидаги масалаларга йўналтиради.

— Жамиятимизга имконияти чекланган ёки шундай фарзандларни тарбиялаётган аёллар уюшган. Бундай аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга ҳунар ўргатиш, ишга жойлаштиришни қамраб оладиган бир неча дастурлар асосида ишлаймиз, — дейди у. — Мамлакатимизда ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси кучли. Бу борада жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Лекин баъзи раҳбарларнинг айби билан бизга ёрдам сўраб келган аёлларни ишга жойлаштиришда қийинчиликларга ҳам дуч келмоқдамиз. Айрим ҳолларда иш берувчи қонунда белгилаб қўйилган ногиронлар учун квотани «билиш»ни истамаса, баъзан иш шароитлари талабгорни қониқтирмаслиги мумкин. Ахир, ишлашни истаётганлар ўзининг имкониятлари, ҳаракатланишидаги ўзига хосликлар билан ҳисоблашишга мажбур. Афсуски, ҳамма вақт ҳам бундай талабларга жавоб берадиган ишни топишнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун биз ўзимиз янги иш ўринлари яратишга қарор қилдик.

2010 йил Жаҳон Банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гранти асосида «Иш излаётган ёш ногиронлар клуби» ташкил этилди. Клубда ёшларнинг ишга жойлашувига кўмак берадиган билимларни ўргатиш, маслаҳатлар бериш йўлга қўйилган.

Ўтган йил охирида эса жамият Жаҳон банки ижтимоий тараққиёт жамғармаси дастурининг яна бир грантини қўлга киритди. Иқтисодий билимлар ва оилавий тадбиркорликни ташкил этишни ўргатадиган кўнгиллиларни тайёрлашни мақсад қилган бу лойиҳа бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда амалга ошириляпти.

— Ҳамкор сифатида ушбу марказни бежиз танламадик, бундан икки йил олдин жамият фаоллари билан марказда таълим олгандик, — дейди Наталья Николаевна. — Касбим ўқитувчи, машғулотнинг бошқа иштирокчилари ҳам умрида бизнеснинг кўчасидан ўтмаган одамлар. Аммо олган билимларимиз туфайли семинардан кейин уч ой ўтиб жамиятимизнинг шўъба корхонасини рўйхатдан ўтказдик.

Мана, энди марказдаги янги семинарда Наталья корхонанинг муваффақиятларини кўргазмали равишда тақдим этади. Дарҳақиқат, имконияти чекланган касаначи аёллар тайёрлаган миллий безакли хатжилдлар, юмшоқ ўйинчоқлар мақтовга сазовор. Наталья улар ясаган хатжилдларга турли халқаро анжуманларда фойдаланиш учун буюртмалар тушаётганини қувониб гапиради. Юмшоқ ўйинчоқларни тайёрлайдиган касаначилар маҳоратини ошириш учун эса Германиянинг бир корхонаси билан шартнома тузгани, мутахассислар келиб уч ҳафта давомида маҳорат дарсларини ўтишини таъкидлайди.

Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида тадбиркорликни юритиш бўйича етарли билим олганидан, Наталья ҳатто ушбу суҳбатимиздан ҳам унумли фойдаланади.

— Сиз кўриб турган ушбу бежирим юмшоқ ўйинчоқлар текстил чиқиндиларидан, жамиятимизга саховатли кишилар томонидан инъом қилинган истеъмолда бўлган кийим-кечаклардан тайёрланган, — дейди у. — Ҳар бир хонадонда урфдан қолган, лекин деярли яп-янги пальто, курткалар бўлиши мумкин. Бу буюмларни ташлаб юборишга ошиқманг. Жамиятимизга совға қилсангиз, қўли-гул ҳунармандларимиз улардан ўйинчоқлар ясайдилар.

Наталья жамият манзилини дона-дона такрорлайди — Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай посёлкаси, Зебинисо кўчаси, 21 А уй. Телефонимиз: 2892093, 2649740, 3864798.

Наталья Плотникова унчалик кўп бошланғич сармоя талаб қилмайдиган, аммо имконияти чекланган аёллар учун даромад манбаига айланган, уларга ҳаётда ўз ўрнини топишга, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш, пировардида ижтимоий интеграциялашиш воситасига айланган оддийгина ҳунар турлари ҳақида мамнуният билан ҳикоя қилади.

## БИЛИМЛАРИНГ МУАММОЛАРИНГНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

«Опа-сингиллар» нодавлат нотижорат ташкилотининг «Имконияти чекланган аёлларга ҳунарларни, оилавий тадбиркорликни юритиш учун зарур бўладиган иқтисодий билимларни, оила бюджетини режалаштиришни ўргатиш» деб номланган лойиҳаси бўйича ўтказилган семинар-тренингда Қибрай туман «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шаҳодат Жалолова ҳам иштирок этди.

Шаҳодат маҳалла ҳудудидаги оилавий тадбиркорликни муваффақиятли юритаётган аёллар ҳақида гапириб беради.

Жумладан, Муҳайё ҳовлисида кичик цех ташкил қилган, уй шароитида чучвара тайёрлайди. Цехда қўни-қўшнилар ҳам ишлайди. Фарзандларини боғчага, ўқишга жўнатишади-ю, бир қадам ишхонасига ишга — чучвара тугишга чиқишади. Бир неча соат ишлаб, тушлик тайёрлаш маҳали яна уйларига югуриб қолишади. Оиладан ортган бир неча соатлик вақтда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, оила иқтисодига ўз улушларини қўшишади. Айни пайтда цех эгасида ҳам ишчи ресурслари борасида муаммо бўлмайди.

«Ёшлик» маҳалласида бундай оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар, янги иш бошлаш ниятидагилар анча.

Чунки мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик, касаначилик учун яратилган қулай муҳит ишсиз аёллар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаяпти.

Шаҳодат бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази семинар-тренингида олган билимлари билан унинг ҳузурига маслаҳат сўраб келганларга кўмак бериш имкониятлари ошганини айтади. У бу ерда бизнес-режа, маркетинг, ишчи ресурсларидан фойдаланиш, маҳсулотга харидор топиш ва сотиш каби бозорнинг энг оддий қоидаларини оммабоп, тушунарли тарзда ўргатишганини таъкидлайди.

«Опа-сингиллар» ташкилотининг аъзолари — Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали талабаси, бўлажак психолог Александра, Ўзбекистон Миллий университети магистранти, бўлажак журналист Сергей ҳам марказда ўрганганларини келажакда уюштириладиган қисқа курсларда бу билимларга эҳтиёжмандларга етказишларини таъкидлайди.

Семинарнинг яна бир иштирокчиси Лайло Кубеева «Опа-сингиллар» ташкилоти ёрдами билан ишлик бўлганди. Бир корхонада бош ҳисобчилик вазифасида ишлар экан, унга бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича маслаҳат сўраб мурожаат қилганлар бўлди, Лайло уларга бажонидил билганларини тушунтирди. Хурсанд бўлишганидан унга совға-салом беришарди. Шу тариқа Лайлода консалтинг хизмати кўрсатувчи хусусий фирма очиш нияти пайдо бўлди.

— Аммо менда фирмани қаерда очган маъқул, мижозларим кимлар бўлади каби қатор саволлар туғилган эди. Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази семинар тренингида бу саволларга жавоб топдим, ишни нимадан бошлаш кераклигини ҳам энди биламан.

Лайло Кубеева фирмасига имконияти чекланган инсонларни ишга олишга қарор қилганини таъкидлади. Зеро, бундай кишиларнинг муаммолари унга таниш, ўз бошидан ўтказган, уларни қандай ҳал қилишни ҳам билади.

Лайлонинг ва семинарнинг бошқа иштирокчиларининг таассуротлари ўқиш-ўрганиш ҳамма ёшда ҳамма учун зарур эканлигини яна бир бор таъкидлагандек туюлади. Айниқса, бу билимлар бозор кўникмаларини ривожлантиришга, жамиятда ўз ўрнингни топиб, даромадингни оширишга қаратилган бўлса.

**Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази фаолияти ҳақида яна бир диққатга сазовор маълумот: «Хусусий бизнесда муваффақият сари йўл» курси бўйича ўқиган ҳар икки тингловчидан бири ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ёки тадбиркорлик тизимларида иш ўрнига эга бўлган, бу ерда таълим олганларнинг ҳар бешинчиси билимларини янада ошириш учун марказга қайтадан мурожаат қиляпти.**

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ҲАЁТ ЙЎЛИДА БИРИНЧИ МАСАЛА — МАКТАБ МАСАЛАСИДИР

## Шароит тўкис бўлса, илм олишга қизиқиш ортади

**Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ақл-заковат соҳиблари этиб улғайтиришда таълимнинг бошланғич тизими муҳим аҳамият касб этади.**

Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги 18-умумтаълим мактабида таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида изчил ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозир мактабда жами 973 нафар ўғил-қизларга 80 нафардан ортиқ малакали педагоглар таълим-тарбия бермоқда. Таълим муассаси замонавий синф хоналари, спорт зали, ошхона ва ахборот-ресурс маркази зарур ўқув жиҳозлари ҳамда кўргазмали қуроллар билан таъминлангандир.

Ўқувчининг ҳар бир дарсга катта қизиқиш ва иштиёқ билан бориши учун ўқитувчининг маҳорати билан бирга илм мсканида яратилган шароитлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан мактабда устоз-шогирд муносабатларида фақат устоз-ўқитувчилар тажрибаси ўрганилибгина қолмай, балки ёш ўқитувчиларнинг янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулот ўташи билан боғлиқ тажрибалари ҳам оммалашмоқда. Натижада, таълим муассасасида ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишлари, ўзлаштириши ва билим самарадорлиги ортишига эришилмоқда.

— Илғор педагогик тажрибаларни амалиётга қўллаш, замонавий педагогик технологиялар билан дарс ўтиш, ўқувчиларни дарсдан ташқари тўгаракларга фаол жалб қилиш натижасида таълим муассасамиз жамоаси бир қанча ютуқларни қўлга киритиб келмоқда, — дейди мактаб директори Холида Шералиева. — Албатта, бунда мактабнинг моддий-техник базасининг намунали эканлиги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эришаётган натижаларининг асосини ташкил этади. Шунингдек, 2006 йилда мактабимиз умуммиллий давлат дастури доирасида жорий таъмирдан чиқарилди. Барча фан хоналари янги ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Компьютер марказимиз 15 та энг сўнгги замонавий компьютер билан жиҳозланди. Физика, кимё, биология лаборатория хоналаридаги жиҳозлардан фойдаланган ҳолда дарсларнинг ўтилиши ўқувчиларнинг бу фанларга бўлган қизиқишларини янада ортишига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ўтган йили ўтказилган фан олимпиадасида ўқувчиларимиз физика, инглиз тили ва иқтисодий билим асосларидан вилоятда фахрли ўринларни эгаллаганлиги бунинг исботидир.

Жумладан, таълим муассаси ўтган йили «Умумий ўрта таълим мактабини ривожлантириш лойиҳаси» асосида танловда иштирок этиб, Япония элчихонасининг грантига сазовор бўлди.

Мактабда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида 12 та йўналишда фан тўгараклари ташкил этилган бўлиб, уларда ёшлар ўзларини қизиқтирган фанлардан чуқурроқ билим ва кўникмалар олишмоқда. Қолаверса, ўқувчиларнинг ҳар томонлама баркамол ўсишида спортнинг ўрни беқиёсдир. Ҳозирги вақтда таълим масканида енгил атлетика, волейбол, футбол, баскетбол, стол тенниси ҳамда шохмот-шашка тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Бундай яратилган шароитлар самараси ўлароқ мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жавоҳир Келдибеков ўтган йили пойтахтимизда 1996-97 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида фаол иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Мактаб ўқувчилар фан олимпиадалари ҳамда спорт мусобақаларида юқори ўринларга сазовор бўлишида Ирода Эшбекова, Раҳима Турсунбоева, Дилфуза Маматова, Дилфуза Ўсмонова, Умар Ҳамралиев, Мирмуҳсин Қўлдошев каби жонкуяр устоз-мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Спорт яхши ўқишимга кўмак бераяпти, — дейди Жавоҳир Келдибеков. — Мактабдаги муҳит, устозларимизнинг талабчанлиги туфайли спортда маълум ютуқларни қўлга киритдим. Эришмоқчи бўлган ютуқларим ҳали олдинда.

Ушбу илм масканида таълим-тарбия ишларининг намунали йўлга қўйилганлиги мактаб жамоасининг қўлга киритаётган ютуқларида намоён бўлаётир.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

**Қарор ва ижро**



# КУТУБХОНА — МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори маънавият ўчоғи — кутубхона хизматини янада такомиллаштиришда, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, аҳолининг кенг ва тизимли ахборот олиши учун зарур шарт-шароитни яратишда муҳим омил бўлмоқда.**

350 минг китоб фондига эга Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган. Марказ йигирма мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

**Тоҳир ИСТАТОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# ОИЛА МУҲОФАЗАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини энг олий қадрият даражасига кўтаришга қаратилган. Бу эзгу мақсад замирида юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, оилалар тотувлиги, соғлом ва баркамол авлод камолоти ғояси мужассам.**



Оила жамиятнинг энг кичик бўғини. Жамият ва давлат равнақи, унинг келгуси истиқболи аввало оиладан бошланади. Мустақиллик йилларида оила манфаатлари, она ва бола ҳуқуқлари ҳимояси, турмуш тарзи, оила аъзоларининг руҳияти ва тарбияси, уларни ҳаётга, туғилиб ўсаётган юртига муҳаббатини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Муҳтарам Юртбошимиз 2012 йилни Мустаҳкам оила йили деб эълон қилар экан, оиланинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшишини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, юртимизда оила манфаатларининг давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлигини таъминлаш, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш ғояси миллий хусусиятимиз тантанаси сифатида Конституциянинг «Оила» бобида мустаҳкамлаб қўйилди. Оила муҳофазасига оид ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнида аввало миллий қадриятларга, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига, жаҳон тажрибасига асосланиб иш кўрилди.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди, оила қонунчилигидаги айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар янгидан ишлаб чиқилди, давр талабидан келиб чиқиб, бир қатор ўзгартишлар киритилди. Соҳада бир неча давлат дастурлари, махсус фармон ва қарорлар ижроси таъминланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қарори ва «Ўзбекистон Республикаси ФҲДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома» шулар жумласидандир.

**Бундан ташқари, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги Қарори, Олий суднинг «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори ва бошқа ҳужжатлар оила институтини янада мустаҳкамлаш ва бу йўналишдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.**

Президентимиз Конституция байрамида **«Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади»,** — дея таъкидлади.

Маърузада белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш оила-ҳуқуқий институтлар, хусусан никоҳ муносабатлари, қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзолари ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш, даволаш, ижтимоий ҳимоялаш муассасаларига жойлаштириш шакллари, шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш борасидаги муаммоларни ўрганиш, бу борада самарали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Оила-ҳуқуқий институтларни такомиллаштириш ҳамда оилани мустаҳкамлашда қуйидаги жиҳатларга амал қилиш муҳим. Яъни, оилавий низоларни камайтириш ҳамда уларга чек қўйиш, бунинг учун никоҳланувчилар ўртасида оила қуришга тайёргарликни юридик, маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик жиҳатдан кучайтириш, оилани муқаддас қадрият сифатида улуғланишини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш лозим. Шунингдек, кейинги пайтларда фуқаролик ишлари бўйича судларда оилавий низолар кўп учраётганини инобатга олиб, бундай низоларни ҳал қилишда васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатини кенгайтириш ва шу орқали ишларни судсиз тартибда ҳал этиш механизмини шакллантириш галдаги муҳим вазифалардан биридир. Бу эса мамлакатимизда васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, туманларда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, ювенал адлия тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Шубҳасиз, жамиятимизда мустаҳкам ва тўлақонли оилани шакллантириш оила қонунчилигида мавжуд бўлган муҳим оила-ҳуқуқий институтларнинг фаолият кўламини кенгайтиришга боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, бу йўналишда қилинган ишлар ва олдимизда турган вазифалар мамлакатимизда соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароит яратади, бундан жамият фойда кўради.

**Замира ЭСАНОВА,**
**ТДЮИ кафедра мудири,**
**юридик фанлар доктори.**

Бир шикоят изидан

# КЎЗБЎЯМАЧИЛИКДАН КИМ МАНФААТДОР?

## ёхуд Чироқчи туман Ободон қишлоғидаги идора биносининг битта қўй баҳосида сотиб юборилгани хусусида

**Чироқчидаги Эскианҳор ҚФЙга қарашли Ободон қишлоғида истиқомат қилаётган Турдимурод Жўраевнинг ёши етмишдан ошган, олий маълумотли доришунос. У киши таҳририятимизга ёзган шикоятида оиласи билан эски идора биносини қўриқлаб, пилла қурти боқиб келганини таъкидлайди.**

— Юринг, ўз кўзингиз билан кўринг, — дея йўл бошлайди Турдимурод Жўраев. — Мана, қаранг, пишиқ ғиштдан тикланган, устига бетон қоплама ётқизилган, шиферланган катта бино. Бу бинони қўриқладик, тозаладик, чунки уйимиз билан ёнма-ён. Бир пайти «эгаси» чиқиб, судга берса бўладими? Бизнинг элимиз чорвадор, битта яхши қўйни боқиб сотса, 1 миллион сўмдан ошади. Ана шу нархга бу бино ими-жимида сотиб юборилибди. Агар эълон берилса, фарзандларим билан сотиб олмоқчи эдик. Бошқа биров ҳам ҳалол сотиб олса, ўшанга буюрсин эди. Ноҳақликдан қалбим изтироб чекди...

Маълум бўлишича, 2005 йилда бино «ким ошди» савдоси орқали 690 минг сўмга сотиладиган бўлади. Аммо хўжаликни қайта ташкил этиш комиссияси аъзолари шундай катта, ҳали пишиқ иморат бунча арзон сотилишига қарши чиқишади. Бундай талон-тарожликларнинг олдини олиш учун Республика ҳукуматининг қарор ва кўрсатмаларига биноан, Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг 2006 йил июнь ойида алоҳида қарори чиқиб, унда туман ҳокимликларига «тугатилган ширкат хўжаликларига қарашли ижтимоий инфратузилма ва маъмурий объектларни маҳаллий ҳокимиятлар балансига олиш ва улардан самарали фойдаланиш» кўрсатиб ўтилган эди. Чироқчи туман ҳокимлиги эса бу масалага етарли эътибор қаратмайди. Муҳр ушбу ҳудуддаги ширкатни қайта ташкил этиш комиссиясининг раиси Жўра Хушвақтовнинг қўлида қолиб кетаверади. Кейинги воқеаларда ана шу комиссия раиси, унинг қўлидаги муҳр ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Воқеалар шиддат билан ривожланиб боради. Идора биносини сотиб олган Айритом қишлоғида яшовчи фуқаро Гуллола Боймирзаева икки йилдан кейин фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туман судига мурожаат қилади. 2011 йилнинг 10 февралида суд жавобгарлар — Жўраев Турдимурод, Жўраева Рухсат, Жўраев Шаҳзод ва Жўраев Дилшодларни «эски идора» биносидан мажбурий равишда чиқариш ва даъвогарга 100 минг сўм миқдорида маънавий зарар ундириб бериш ҳақида қарор чиқаради.

Суднинг қарорига муносабат билдирмоқчи эмасмиз. Чунки таҳририятимизга шикоят ёзган Жўраевлар оиласи бу бинодан пилла қурти парваришлаш учун вақтинча фойдаланиб келган. Мулкка эгалик ҳуқуқи берилмаган. Аммо бу ўринда аризачи даъвосининг бошқа жиҳати кишини ўйга толдиради. Унинг ёзишича, бино кимошди савдосига қўйилгани тўғрисида матбуотда эълон чиқмаган. Бунинг устига, сувтекинга сотилган. Олди-сотти ҳужжатларида чалкашликлар бор. Масалан, суд «эски идора» биноси «биржа» савдосида сотилиб, 2009 йил 26 январда олди-сотди шартномаси тузилганлиги, шу йилнинг 25 сентябрида эса иншоотга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага таянади ва мулк даъвогарники, деган хулосага келади. Бироқ бу анча можароли ҳолат. Эътибор беринг: Ф.Хўжаев номли ширкатни қайта ташкил этиш комиссияси томонидан Боймирзаева Гуллола «биржа савдосида сотиб олинган эски идора биноси учун 1 миллион сўм тўлади», деган кирим тўловномаси берилади ва собиқ хўжалик муҳри билан тасдиқланади. Бу ҳужжат 2009 йилнинг февраль ойида берилган. Аммо шикоятчиларга ширкатнинг собиқ бош ҳисобчиси С.Жумаев «2008, 2009, 2010 ва 2011 йилнинг 11 февралигача идора биноси учун бир сўм ҳам тўланмаган» деган маълумотномани имзолаб беради. Ким ҳақ?

Биз масалага аниқлик киритишга ҳаракат қилдик. Собиқ ширкатнинг ҳисоб-рақами ҳозир ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қашқадарё минтақавий филиалида экан. Банк берган маълумотга кўра, Гуллола Боймирзаева ўзи сотиб олган «эски идора» биноси учун 1 миллион сўмни 2011 йилнинг 31 март куни тўлаган экан. Бу банкнинг 12- кирим тўловномасида қайд этилган. Суднинг ҳал қилув қарори 2011 йил 10 февралида чиққанини ҳисобга олсак, даъвогар ҳақини ҳали тўламаган бинони ўзиники қилиб олиш учун югуриб юрган экан-да?

Бинони баҳолаш ва савдога чиқаришда ҳам талай «сирлар» ва чалкашликлар борга ўхшайди. Масалан, Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Қашқадарё филиалида кўчмас мулк объектини «биржа» савдосида сотилганлиги тўғрисидаги олди-сотди шартномаси 2011 йилнинг 26 январида тузилган бўлиб, «Эгалик қилувчи ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат» деган жойда: «Ф.Хўжаев номли ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2005 йил 26 октябрдаги 12-сонли йиғилиши баённомаси» дея қайд этилган. Демак, кимдир комиссия номидан мулкни сотувга чиқарган. Ким? «Кўчмас мулкни топшириш, қабул қилиш далолатномаси» 2009 йил 30 январида тузилган бўлиб, «топширувчи» деган жойига Жуманазар Хушвақтов имзо чеккан ва муҳр босган. Бунга у ҳақлимиди?.. Биринчидан, 2005 йил октябрдаги қарор ўз кучини йўқотган эди. Энди 2009 йилда мулкни сотиш учун ширкатни қайта ташкил этиш комиссияси аъзоларининг янги йиғилишини ўтказиш, иморатни кадастр ташкилотига баҳолатиш керак эди. Иморатни арзимас нархда сотиб юборилишининг ташаббускори бўлганлиги, мавжуд тартибни бузганлиги учун Жуманазар Хўшвақтов қонунларимиз олдида жавобгар ҳисобланмайдими? Ёки «бошимизни қотириб нима қиламиз, ёпиғлик қозон ёпиғлиғича қолиб кетаверсинда», деган ақидага риоя қилиш керакми?

Шикоятчининг ҳақлигини, бу олди-соттидан ким манфаатдор эканлигини яна бир ҳужжат тўла исботлайди. «Кўчмас мулк объектига кадастр ҳужжати» тайёрланади ва уни Чироқчи туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати бошлиғи М.Хайтов тасдиқлайди. «Жамланган баҳолаш далолатномаси»да Гуллола Боймирзаева сотиб олган «эски идора» биносининг баҳоси 13 миллион 457 минг 943 сўм деб, кўрсатилади. Қаранг-а, январь ойида 1 миллион сўмга сотилган иморат август ойига келиб 13 миллион сўмдан ошиб кетса-я? Бино анча эски эди. Аммо пойдевори қуйма бетон, пишиқ ғиштдан тикланган, темир-бетон плита билан қопланган, томи шифер билан ёпилган, эшик-ромлари бор, 13 хонали, 271 квадрат метр фойдаланиладиган майдонга эга бинонинг ҳақиқий баҳоси бундан-да баланд бўлиши мумкин. Ана шундай бино енг ичида, қонунларга зид равишда сотиб юборилганига кўпчилик ҳайрон. Ваҳоланки, Китоб ва бошқа айрим туманларда мулкларни арзонга сотганлар устидан жиноий ишлар қўзғатилгани маълум.

Бу ўринда эса негадир ҳамма жим. Бироқ жазосиз қолган ҳар бир жиноят янги қонунсизликлар келиб чиқишига замин яратади. Шундай экан, масъул идоралар бу масалага эътибор қаратишади, деган умиддамиз.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

# АЭС ҚУРИЛИШИ

## норозиликка сабаб бўлмоқда



***Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ери маъмурияти Нидерландиянинг Зеланд музофотидаги Борселле шаҳрида барпо этиш режаланаётган атом электр станцияси қурилишига расмий норозилик билдирмоқда.***

Федерал ер маъмурияти вакилларининг айтишича, агар мазкур АЭСда қачонлардир радиация сизиб чиқиши юз берса, радиоактив булутлар Шимолий Рейн-Вестфалия маркази Дюссельдорфга узоғи билан 6 соатда етиб келади. Улар шундан хавфсирашмоқда.

«Handelsblatt» нашри хабарига қараганда, Борселле билан Дюссельдорф оралиғи 250 километр, холос.

Маълумки, Борселледа битта АЭС фаолият кўрсатмоқда. «Rheinische Post» нашри баён этишича, унинг 30 фоиз активлари немисларнинг «RWE» энергетика концерни тасарруфида. Иккинчи АЭС қурилиши учун эса «RWE» энергетика концерни инвестиция ажратишга ҳали қарор қилмади.

Нидерландия маъмурияти иккинчи АЭСни 2018 йилда фойдаланишга топширишни мўлжалламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йил 11 мартда Японияда юз берган кучли зилзила ва цунами оқибатида «Фкусима-1» АЭСида содир бўлган портлаш кўпгина давлатларни АЭСлар фаолиятини қайта ўрганиб чиқиш ва таҳлил этишга, агар иложи бўлса, ундан воз кечишга ундаган эди. Шу боис Германия маъмурияти энергетика соҳасини ислоҳ қилиш, экологик тоза энергетикани ривожлантириш ҳисобига АЭСлар фаолиятидан воз кечишга қарор қилди. Бироқ немислар ўзлари АЭСлардан воз кечгани билан қўшни мамлакатлар воз кечмаётгани уларни ташвишга солмоқда. Нидерландиядан ташқари Польшада ҳам янги АЭС қурилиши бўйича режа ишлаб чиқилаётгани ҳақида хабарлар тарқатилмоқда. Бранденбург маъмурияти яқинда қўшни мамлакат — Польшанинг бу режасига нисбатан ўз норозилигини баён этди.

# «ОЧОФАТ» БАКТЕРИЯЛАР

## денгизни нефть қолдиқларидан тозалаган



***Эсингизда бўлса, 2010 йилнинг 20 апрелида Мексика кўрфазидаги «British Petroleum» компаниясига қарашли «Deepwater Horizont» нефть қазиб олиш платформасида юз берган портлаш оқибатида платформада ишлаётган 126 кишидан 11 нафари қурбон бўлган, платформа эса чўкиб кетган, натижада 5 миллион баррелга яқин нефть сувга оқиб кетган ва денгизни, унинг қирғоқларидаги Луизиана, Флорида ва Алабама штатлари соҳилларини нефть доғларига тўлдириб, АҚШ тарихида энг йирик экологик хавфни юзага келтирган эди.***

Ўшанда мутахассис-олимлар денгиздаги нефть доғлари кўп йиллар давомида сақланиб қолса керак, деган тахминни илгари суришган ва бунга ишонишганди. Аммо кейинги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мутахассис-олимлар бу борада адашган экан, дея хабар беради «The Wall Street Joutnal» нашри.

АҚШ миллий фанлар академияси олимлари ўз тадқиқотларида баён қилишича, 2010 йилнинг охирига келиб денгиз тубига йиғилиб қолган улкан метан ва бошқа газлар, мураккаб таркибли нефть доғлари йўқола бошлаган. Айни пайтда улар деярли йўқ ҳисоби.

Санта-Барбарадаги Калифорния университети тадқиқотчиси Дэвид Валентайннинг гапларига қараганда, океандаги мавжуд айрим микроорганизмлар нефть ва газ таркибли чиқиндиларни емириш ва қайта ишлаш «қудрати»га эга экан. Демак, айнан шу бактериялар денгизни углеводородли чиқиндилардан тозалаган.

# СУВАЙШ КАНАЛИНИНГ ЎЗИДАН

## 5 миллиард доллардан ортиқ даромад олди



***Миср ҳукумати 2011 йилда фақат Сувайш каналининг ўзидан 5,22 миллиард доллар миқдорида даромад олди, дея хабар беради Сувайш канали маъмурияти етакчиси Аҳмад Фадел берган маълумотларга асосланиб «France Presse» АА. Бу 2010 йилда кўрилган даромаддан 456 миллион доллар кўп демакдир.***

Маълумотларга қараганда, ўтган йили Сувайш канали орқали дунё давлатларининг 17 минг 799 та кемаси ўтган. Бу 2010 йилдаги кўрсаткичдан 1,1 фоизга кам бўлишига қарамай даромад бу қадар юқори бўлишининг сабабини А. Фадел изоҳлаб ўтирмади.

Миср давлат бюджетига асосий даромад айнан Сувайш канали эксплуатациясидан ва сайёҳликдан келади.

Ўтган йилнинг декабрида Миср ҳукумати эълон қилдики, жорий йилнинг мартидан эътиборан Сувайш каналидан ўтган ҳар бир юк кемаси учун нархлар тарифи 3 фоизга оширилади.

Маълумки, 193 километр узунликдаги мазкур канал ўзида сунъий кемачилик каналини ҳам намоён этиб, у Қизил ва Ўртаер денгизини бир-бири билан боғлайди. Айнан шу канал орқали каттаю кичик кемалар Европадан Осиёга ва Осиёдан Европага турли-туман юкларни ташийди. У қитъаларни боғлашда энг яқин йўл бўлгани учун ҳам денгиз транспортининг артерияси ҳисобланади.

Футбол

# ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ИЛК ҒАЛАБАСИ

**Дубай шаҳрида «Dubai Matchworld Cup 2012» халқаро турнири қизғин давом этмоқда. Унда Тошкентнинг «Бунёдкор» ва Ўзбекистон олимпия терма жамоалари қатнашмоқда.**




Мусобақанинг «А» гуруҳида тўп сураётган бунёдкорчилар дастлабки турда Россия чемпиони, Санкт-Петербургнинг «Зенит» жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазди. Ҳамюртларимиздан Камолиддин Мурзоев ягона гол муаллифи бўлди. Кеча бунёдкорчилар Швейцариянинг «Ксамакс» жамоаси билан куч синашиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Олимпиячиларимиз турнирнинг «В» гуруҳида биринчи учрашувни Европанинг номдор жамоаларидан бири «Шахтёр» (Донецк, Украина) аъзоларига қарши ўтказди. Унда дастлаб 43-дақиқада Кенжа Тўраев чиройли тарзда дарвозабонни доғда қолдирган бўлса, иккинчи бўлимда украиналиклар ўртадаги мувозанатни тенглаштиришди. — 1:1. Мусобақа низомига мувофиқ, ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди ва унда омад ҳамюртларимизга кулиб боқди — 6:5. Бугун олимпиячиларимиз «Ростов» (Россия) футболчилари билан куч синашади.

**Эркин ХОЛБОБО**

# СУРХОНДАРЁЛИК СПОРТЧИ БОЛАЛАР

## *келажакда жаҳон чемпиони бўлишмоқчи*

**Президентимизнинг 2009 йил 20 январдаги қарорига асосан биргина Сурхондарё вилоятида ўндан ортиқ спорт иншоотлари қурилди, 17 та умумтаълим мактабида эса спорт заллари ўғил-қизларимиз ихтиёрига топширилди. Кам таъминланган оилаларнинг 2 минг нафардан зиёд фарзандларига эса спорт формалари тарқатилди.**

Давлат дастурига мувофиқ воҳада 15 та турли замонавий иншоотларни қуриш, қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг 5 таси мусиқа ва санъат мактаби, 10 таси спорт объекти. Бунёдкорлик ишларига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг вилоят филиалидан маблағ йўналтирилган. Кўркам, шинам ва қулай бундай масканларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда қад ростлайди.

— Ўтган йил биз учун қувончларга бой бўлди, — дейди **Денов туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Хўжамурод Эргашев.** — Энг улуғ ва энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида янги бинога кўчиб ўтдик. Замонавий даргоҳда ўқувчиларга таълим-тарбия беришимиз учун барча шарт-шароит яратилди.

Воҳада 2004-2011 йилларда 6-18 ёшдаги болаларнинг спорт билан шуғулланиши 29,8 фоиздан 35,3 фоизга ўсгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Айни кунларда 851 та умумтаълим мактаби ва 120 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежининг 520 минг нафар ўқувчи-ёшларининг асосий қисми турли спорт тўгаракларида қатнашмоқда. Ҳудудлардаги 91 та спорт иншоотларида эса 13 минг нафардан ортиқ ёшлар спортга жалб этилган. Улардан 5 минг нафарга яқинини қиз болалар ташкил этади.

Вилоятда аёллар ва оилавий спортини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг барча қатламларини соғломлаштириш, оммавий мусобақалар ташкил этиш анъанага айланган. Бу борада жорий йилда 20 га яқин турли спорт ўйинлари ташкил этилгани ҳам фикримиз тасдиғидир. «Баҳор маликалари — 2011» спорт мусобақаларида 12 минг нафардан ортиқ қизлар иштирок этди. Беллашувларда вилоят шарафини ҳимоя қилган Жарқўрғон туман жамоаси республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, фахрли 3-ўринни қўлга киритди.

— Сурхондарёда спорт, айниқса, болалар спорти жуда ҳам ривожланиб бормоқда, — дейди **кураш клуби раҳбари Ҳақберди Норбоев.** — Бугун вилоятимиз маркази Термиз шаҳри кўплаб халқаро ва республика мусобақаларига мезбонлик қилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи, қўл тўпи бўйича қизлар ўртасида республика спорт мусобақаси ҳам Термиз шаҳрида ўтказилди. Республика VI «Аёллар спорт фестивали» Сурхон заминида кўтаринки руҳда ташкил этилди. Кейин Термизда кураш бўйича VIII жаҳон чемпионати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган X халқаро турнир беш қитъа полвонларини жам қилди.

— Туман марказидан ўн беш километр олисда яшаймиз, — дейди **Фарангиз Ҳандалова.** — Етти ёшимдан шарқона якка курашнинг шотокан каратэ тури билан шуғуллана бошлаганман. Ўтган йилнинг баҳорида Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда болалар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ўз вазнимда (+40 кг) кумуш медалга сазовор бўлдим. Келажакда эса жаҳон чемпиони бўлишни мақсад қилганман!

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама ва эълонлар

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

*қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚС билан | ҚҚСсиз | |
| 1. | Булунғур туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш. 20 ўринли гинекология бўлими қурилишини тугатиш, 100 қатновга мўлжалланган марказий поликлиника, марказий стерилизация пункти қурилиши ва барча бўлимларини капитал таъмирлаш | 4 859 889 732 сўм | 4 049 908 110 сўм | 18 ой |
| 2. | Иштихон туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш. Диагностика қабул бўлими, бир иш кунида 250 қатновга мўлжалланган поликлиника қурилиши, рентген кабинети, лаборатория, дорихона, тез ёрдам бўлими билан ва барча бўлимларини капитал таъмирлаш | 7 317 107 908 сўм | 6 097 589 923 сўм | 19 ой |
| 3. | Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш. 40 ўринли юқумли касалликлар бўлими қурилиши ва барча бўлимларини капитал таъмирлаш | 5 321 662 959 сўм | 4 434 719 133 сўм | 18 ой |
| 4. | Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш. Лабораторияси билан 100 қатновга мўлжалланган поликлиника, кир ювиш хонаси, марказий стерилизация пункти қурилиши ва барча бўлимларини капитал таъмирлаш | 5 924 309 831 сўм | 4 936 924 859 сўм | 18,5 ой |
| 5. | Жомбой туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш. 40 ўринли болалар бўлими, 30 ўринли юқумли касалликлар бўлими, марказий стерилизация маркази қурилиши ва барча бўлимларини капитал таъмирлаш | 5 267 836 708 сўм | 4 389 863 923 сўм | 18 ой |
| 6. | Пайариқ туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш. Бир иш кунида 250 қатновга мўлжалланган қўшимча поликлиника қурилиши ва қолган барча бўлимларни капитал таъмирлаш (шу жумладан, Челак бўлими) | 6 970 878 826 сўм | 5 809 065 688 сўм | 19 ой |
| 7. | Пахтачи туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш. 30 ўринли юқумли касалликлар бўлими билан дезокамера, кир ювиш хонаси қурилиши ва барча бўлимларини капитал таъмирлаш | 5 159 746 777 сўм | 4 299 788 981 сўм | 18 ой |

***Қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚС билан | ҚҚСсиз | |
| | *Лот 1-4 спорт заллари* | | | |
| Лот-1 | Самарқанд шаҳридаги 6-мактабга 12х24м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 282 841 413 сўм | 235 701 178 сўм | 6 ой |
| Лот-2 | Иштихон туманидаги 42-мактабга 12х24м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 296 427 132 сўм | 247 022 610 сўм | 6 ой |
| Лот-3 | Каттақўрғон туманидаги 16-мактабга 12х24м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 300 419 818 сўм | 250 349 848 сўм | 6 ой |
| Лот-4 | Ургут туманидаги 23-мактабга 12х24м. ўлчамли спорт зали қурилиши | 299 665 652 сўм | 249 721 377 сўм | 6 ой |

***Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

***Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.*
***Буюртмачи:** Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.*
***Манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони 1-уй,*
***телефон:** (8366) 235-82-86.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлар тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан **Лот 1-4 спорт заллари** қуриш бўйича пудрат ташкилотларни танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағи мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларга қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг Марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат килишлари мумкин:

***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус — 2Д, 403-хона.***
*тел:* ***231-13-51,*** *факс:* ***233-32-00.***
**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.**

Таклифлар (офերталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офերталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар)ни очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

# «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ТОШКЕНТ

*«Universal auktsion invest» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади:*

***2012 йил 22 февраль соат 15:00да бошланғич баҳоси — ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 22-уйда жойлашган «Chirchiq aviatsiya ta’mirlash zavodi» давлат корхонаси Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри Дирекциясига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.***

1. 1981 йилда и/ч «ЗИЛ-130» (будка), давлат рақами 11 AQ 433, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси — 5 800 000 сўм.
2. 1987 йилда и/ч «ЗИЛ-131Н», давлат рақами 11 AQ 419, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси — 9 300 000 сўм.
3. 1985 йилда и/ч «УРАЛ-432 000 10», давлат рақами 11 AQ 432, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси — 9 540 000 сўм.
4. 1988 йилда и/ч «ЗИЛ-130В», давлат рақами 11 AL 911, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси — 9 493 000 сўм.
5. 1987 йилда и/ч «ЗИЛ-130В», давлат рақами 11 AL 908, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси — 9 944 000 сўм.
6. 1970 йилда и/ч «ЛАЗ-695Р», давлат рақами 11 AQ 415, ранги ҳар хил ранг (белокрасный), техник носоз, бошланғич баҳоси — 1 859 000 сўм.
7. 1975 йилда и/ч «ЗПТ-20» автоприцеп, давлат рақамисиз, ранги (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.
8. 1973 йилда и/ч «КРАЗ-257» кран шассиси, давлат рақамисиз, ранги хаки, техник носоз, бошланғич баҳоси — 1 146 000 сўм.
9. 1977 йилда и/ч «ГКБ-817/2П-5,51» автоприцеп, давлат рақамисиз, ранги хаки, техник носоз, бошланғич баҳоси — 1 151 000 сўм.

***2012 йил 22 февраль соат 16:00да бошланғич баҳоси — ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 18-уйда жойлашган «O`ZAGROSUQ`URTA» давлат акциядорлик компанияси Тошкент вилояти Дирекциясига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.***

1. 1988 йилда и/ч «ВАЗ-21063», давлат рақами 11 AB 548, ранги сариқ (сафари), техник носоз, бошланғич баҳоси — 1 161 700 сўм.
2. 1982 йилда и/ч «АУДИ-80», давлат рақами 11 AJ 643, ранги яшил, техник носоз, бошланғич баҳоси — 534 000 сўм.
3. 1977 йилда и/ч «ГАЗ-24», давлат рақами 11 AB 522, ранги ҳаворанг (голубой), техник носоз, бошланғич баҳоси — 285 000 сўм.
4. 1991 йилда и/ч «ГАЗ-2410», давлат рақами 10 620 AAA, ранги кулранг (серый), техник носоз, бошланғич баҳоси — 515 000 сўм.

Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси биносида ўтказилади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00дан 17.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин 16:00 да тўхтатилади.

*Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг ХОАТБ «InfinBANK» МФО-01041, СТИР-302083379, 20208000304932168001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак. Ушбу савдо кунида сотилмай қолган транспорт воситалари такрорий аукцион савдолари 2012 йил 27 февраль, 5, 12 март кунлари соат 15.00 да ўтказилади*

***Қўшимча маълумот олиш манзили:** 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, 15-қават, Давлат мулки қўмитаси биноси.*
***Телефон:** +99897 467-67-77, **Факс:** 259-20-10. **Email:** uainvest@mail.ru*

# «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ФАРҒОНА

***2012 йил 21 февраль соат 10:00да бошланғич баҳоси — ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 31-уйда жойлашган давлат солиқ бошқармасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.***

1. «Опел-Омега» русумли, д/б 40 257 LAA ранги кулранг бўлган, 2001 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 465 617 сўм.
2. «Дамас» русумли, д/б 15 AC 197 ранги оқ бўлган, 1996 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 373 615 сўм.
3. «Дамас» русумли, д/б 15 AH 221 ранги оқ бўлган, 1996 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 372 562 сўм.
4. «Дамас» русумли, д/б 15 AC 116 ранги оқ бўлган, 1996 йилда и/ч, носоз ҳолатда булган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 206 538 сўм.
5. «Дамас» русумли, д/б 15 AD 032 ранги оқ бўлган, 1996 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 292 911 сўм.
6. «Дамас» русумли, д/б 40 851 DAA ранги ҳаворанг бўлган, 1996 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 271 843 сўм.
7. «Дамас» русумли, д/б 15 AC 260 ранги оқ бўлган, 1996 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 833 838 сўм.
8. «Дамас» русумли, д/б 15 AC 728 ранги оқ бўлган, 1997 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 292 911 сўм.
9. «Дамас» русумли, д/б 40 058 KAA ранги оқ бўлган, 1998 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 363 389 сўм,
10. «Дамас» русумли, д/б 40 757 CAA ранги оқ бўлган, 1996 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 287 738 сўм.
11. «Тико» русумли, д/б 15 AI 348 ранги оқ бўлган, 1996 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 596 208 сўм.
12. «Тико» русумли, д/б 15 AG 005 ранги оқ бўлган, 1998 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 971 773 сўм.
13. «Тико» русумли, д/б 15 AA 701 ранги оқ бўлган, 1998 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 556 736 сўм.
14. «Тико» русумли, д/б 15 AD 629 ранги оқ бўлган, 1996 йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 527 575 сўм.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 7, 23 март кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдолари Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, 3-қаватда ўтказилади.

*Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Фарғона вилоят филиалининг «Савдогар» ОАТ банк Фарғона вилоят бўлими МФО-00500, ИНН-302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига ўтказади. Закалат пули тўлаган талабгорлардан аризалар қабул қилиш 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.*

***Қўшимча маълумот учун:** 150100, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43-уй. **Тел:** +99873 213-07-80.*

***Аукцион савдосида қатнашишни истаган шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:***

- *аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;*
- *жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;*
- *закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.*

*Гувоҳнома № 004059*

**Газетанинг навбатдаги сони 26 январь, пайшанба куни чиқади.**

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G‘ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug‘bek MUSTAFOYEV
Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)
G‘affor HOTAMOV (Bosh muharrir o‘rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO‘LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146
19452 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21.25
Topshirilgan vaqti — 23.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5